

# ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ БЕШАРИҚ ТУМАНИНИНГ ЧЕГАРА ҲУДУДИДАГИ АНДАРХОН МАҲАЛЛАСИДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Хабиб Сирожитдинов бугун Бешариқ туманининг Тожикистон билан чегарадош ҳудуди – Андархон маҳалласида сайёр қабул ўтказди. Қабулда туман ҳокими Расулжон Жўраев, тегишли вилоят бошқарма ва ташкилотлари, давлат ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этдилар.

Қабул давомида фуқароларнинг тадбиркорликка кўмаклашиш, банк кредитлари ажратиш, бандлик, яшаш шароитларини яхшилаш масалаларида мурожаатлари, шунингдек, ички йўлларни таъмирлаш, ҳудудда тоза ичимлик суви таъминотини ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида таклифлари кўриб чиқилди.

Мурожаатларнинг кўпи қабул давомида ўз ечимини топган бўлса, ҳал этилиши учун муддат талаб этиладиган мурожаатларни мутасаддиларга қўшимча ўрганиш бўйича топшириқлар берилиб, ижроси қатъий назоратга олинди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш масаласида кўмаклашишни сўраб мурожаат қилган фуқароларга шу жойнинг ўзида банклар томонидан имтиёзли кредит асосида электромотороллерлар, майда шохли чорва моллари ва тикув машиналари тақдим этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-08 17:25:54